



ИШОНСЕН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 22 сентябр, жума №139 (971)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ХИТОЙ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ТАШРИФИ

Мамлакатимизга Хитой Халқ Республикаси Ахборот индустрияси вазирининг ўринбосари Чжан Чуньцзян бошчилигидаги делегация ташриф буюрди.

1999 йилнинг сентябр ойида Ўзбекистон ва Хитой ҳукуматлари ўртасида электрон ва почта алоқаси тўғрисида битим қабул қилинган эди. Хитой делегациясининг ташрифи ана шу ҳужжат доирасида амалга оширилмоқда.

Ташрифнинг биринчи кунини меҳмонлар Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлигида бўлди. Музокаралар чоғида томонлар Транс-Осиё-Европа шаффоф толали алоқа тизимини ишга тушириш, почта алоқаси доирасидаги ҳамкорликни кучайтириш, Хитойнинг алоқа соҳасида фаолият юритувчи компаниялари билан алоқаларни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

Шу кунини Хитой делегацияси «Ўзбектелеком» акционерлик компанияси вакиллари билан ҳам музокара ўтказди.

(ЎЗА).

ПРЕЗИДЕНТ ТУРКМАНИСТОНГА ЖўНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 21 сентябр кунини икки кунлик расмий ташриф билан Туркменистонга жўнаб кетди.


Сафар олдидан Президентимиз журналистларга интервью берар экан, жумладан шундай деди:

- Бугунги кунда Ўзбекистон ва Туркменистон ҳукуматлари олдидан ўзаро ҳамкорликка доир қатор масалалар кўриб чиқилди, - деди Ислам Каримов. - Жумладан, чегара, солиқ тизими, автомобиль ва темир йўл алоқаси, шунингдек, боғжона ва коммуникация каби соҳаларда алоқаларни янги поғонага кўтариш борасида туркман биродарларимиз билан ўзаро келишувга эришмоғимиз даркор. Бу гапни сафар асносида ана шу масалалар бўйича икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда.

Эн кўшни - жон кўшни, деган нақл бор халқимизда. Ўзбекистон билан Туркменистоннинг кўшничлиги ҳақида гап кетганда, шунини таъкидламоқ керакки, давлатларимиз ўртасидаги муносабатлар аҳиллик, биродарлик, тенг манфаатли шериклик асосига қурилган.

Мазкур ташриф асносида имзоланажак ҳужжатлар Ўзбекистон учун ҳам, Туркменистон учун ҳам бирдек муҳимдир. Ватанимиз истиклолидан сўнг, Эрон ва Кавказ орқали хорижга янги йўللари очилди. Бу йўللarning кўпи Туркменистон орқали ўтади. Шу боис, давлатларимиз ўртасида автомобиль ва темир йўл алоқасини такомиллаштириш зарурати пайдо бўлмоқда. Шунингдек, олдимизда коммуникация соҳасини ривожлантириш вазифаси турибди. Зеро, савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг раванқи коммуникация тизимининг қай даражада такомиллашуви ҳам боғлиқ.

(ЎЗА).



сида сўз борди.

Икки давлат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари чоғида президентлар суҳбатидан кўрилган масалалар муҳокамаси давом эттирилади. Музокаралар тугагач, Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасида давлат чегараларини делимитация қилиш тўғрисида шартнома, темир йўл транспортида транзит юк ташувларини тартибга солиш соҳасида, солиқ қонунчилигида риоя қилиш масалаларида ҳамкорлик ўзлаштиришни мувофиқлаштириш тўғрисида ҳужжатлар имзоланди.

(ЎЗА).

сида шартнома, темир йўл транспортида транзит юк ташувларини тартибга солиш соҳасида, солиқ қонунчилигида риоя қилиш масалаларида ҳамкорлик ўзлаштиришни мувофиқлаштириш тўғрисида ҳужжатлар имзоланди.

(ЎЗА).

ҲУЖЖАТЛАР ИМЗОЛАНДИ

Ашхобод, 21 сентябр. Ўза махсус мухбири Анвар Каримов хабар қилади:

Шу куннинг ўзиде Ислам Каримов Ашхободга етиб келди. Шаҳар аэропортида давлатимиз раҳбарини Туркменистон Президенти Сапармурод Ниязов кутиб олди.

Президентлар ўтирган машиналар карвони Туркменистон Президентини саройига йўл олди. Бу ерда Ислам Каримовни расмий кутиб олиш ма-

росими бўлиб ўтди.

Туркменистон Президентини саройида Ислам Каримов ва Сапармурод Ниязов яккама-якка суҳбатлашди. Учрашувда икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий, сиёсий, маданий алоқалар хусу-

ТУРКМАН МИЛЛИЙ МАДАНИЯТ МАРКАЗИ ОЧИЛДИ

Юртимизда бир юз ўттизга яқин миллат вакиллари ўзаро ҳамжиҳатликда яшаб, мустақил-лигимизни мустаҳкамлаш, мамлакатимизни янада тараққий эттириш йўлида астойдил меҳнат қилмоқда.

Ўз тасарруфиде юздан ортиқ миллий маданият марказларини бирлаштириб, улар фаолиятини мувофиқлаштириб турган Республика Байналмилал маданият марказининг ҳам бу борда ўзига хос хиссаси бор. Кунинча бу ерда Туркман миллий маданият марказининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Шу тарихи юртимизда иқтисодик қилаётган туркман миллати вакиллари учун ўз маданияти, маънавияти, урф-одатларидан янада тўлароқ баҳраманд бўлиш ва айни пайтда ўз миллий қадриятларини кенгрок намойиш этиши учун яна бир имконият яратилди.

Пойтахтимизда Туркман миллий маданият маркази тақдироти Президентимиз Ислам Каримовнинг Туркменистонга расмий ташрифи

арафасида бўлиб ўтганлигида чуқур рамзий маъно бор. Зеро, Юртимиздаги малакатимизда истиқомат қилаётган барча миллат вакилларининг эмин-эркин яшashi, муносиб ҳаёт кечириши, ўз қадриятлари, маданияти ва санъатини намойиш қилиши учун тинмай ғамхўрлик қилмоқда.

Тадбирда сўзга чиққанлар Ўзбекистонда яшаётган барча миллат вакиллари шу заминни ўзларининг севимли Ватани, юртимиздаги оёйсиз ва фаровон ҳаётни эса энг олий неъмат деб билаётганликларини таъкидладилар. Ўзбекистон ва Туркменистоннинг таниқилган санъат усталари ва ёш ижрочилари иштирокидаги концерт дастури тантанга алоҳида файз бағишлади.

Миллий маданият марказининг очилиш маросимида Туркменистоннинг мамлакатимиздаги факулдада ва мухтор элчиси Султон Пирмухамедов қатнашди.

Назокат УСМОНОВА, Ўза мухбири.

Одатда, илғорларга режа бажарилгач, мукофот бериларди. Аммо Навбаҳор туманидаги «Наврўс» ширкат ҳўжалиги бригадаси бошлиғи Низом Тангриев пахта тайёрлаш шартнома рожасини ҳали бажариб улгурмасдан ажойиб совға эгаси бўлди.

«ТИКО» СОВФА ҚИЛИНДИ

Бригада аъзолари мавжуд 100 гектар майдондаги ғўзани бир текис ривожлантиргани, сув тақчил бўлишига қарамай, ҳар туп ғўзада 30-40 тагача кўсақ яратгани ҳатто биринчи теримдаёқ гектаридан 35 центнердан «оқ олтин» териб олгани учун бригадир ана шундай мукофотга сазовор бўлди. Бригада далаларида ҳосилнинг ҳали мўлтиги мукофот бекорга берилганининг яна бир исботидир. Миришкор пахтакор ҳар гектар майдондан кўшимча 35 центнер ҳосил кўтаришни чамалаб турибди.

Туман ҳокимлигида ҳўжалиқлар раҳбарлари, мутахассислар, бригадир ва фермерлар иштирокида бўлиб ўтган йиғилишда Навоий вилоят ҳокими Ф.Дилов пешқадам бригадаси бошлиғига «Тико» автомашинаси қалитини топширди.

Хива шаҳрининг бир нечта маҳалла аҳолиси эрта тонгда галати шоквин ва гўмбурлашдан уйғониб кетди. Ававалига кўпчилик бу шоквинни Хоразмда баъзан бўлиб турадиган кузги момақалди деб ўйлади. Бироқ синаётган дараклар ва айрим уйлarning кулаб тушадиган томлари одатдан ташқари ҳодиса содир бўлаётганини кўрсатди. Қадимий шаҳар қўчалари бўйлаб кучли довул ўтганлигини одамлар кейинчалик англашди.

МАҲАЛЛИЙ МИКЁСДАГИ ТАБИЙ ОФАТ

10-20 дақиқа давом этган табиий офат хивалиқларга нафақат безовталик, балки кўпгина кўнгилсизликларни ҳам келтирди. Эрталаб электр узатиш ва телефон алоқасининг бир неча линияларининг узилган симларини, кулаган устунларини ва ҳаттоки, илдизи билан кўпорилган даракларни кўриш мумкин эди. Шунингдек, баъзи бир бинолар ҳам зарар кўрган. Масалан, эртаси кун шаҳардаги 4-сонли мактаб, 19-сонли болалар боғчаси ва спорт иншоотларидан бирининг томига зарар етган. Шаҳар марказида янги кўп қаватли бинони қуриш учун рельсларда харакатланадиган 30 тонналик минорали кран ўрнатилган эди. Эрталаб эса бу кран қарама-қарши томонда - 50 метрли темир йўлнинг охирига бориб қолган.

Факулдада вазиетлар вазириги вилоят бошқармасининг хабар беришича, табиий офатдан ҳеч қанча ҳалок бўлмаган. Бироқ, дастлабки маълумотларга кўра, шаҳарга 25 миллион сўмдан ортиқ зарар етказилган. Туман ҳокими муовини бошчилигида ташкил этилган махсус тезкор комиссия аҳоли ва ташкилотлардан келтирилган зарар тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиб, уларга керакли ёрдам кўрсатмоқда.

Т.ШАМАКОВ, Ўза мухбири.

Ўтти даврининг ўзига хос мураккаблиқлари бор. Жумладан, бозор иқтисоди аҳолининг барча қатламларига ўз таъсирини ўтқазини табиий. Бу аввало кам таъминланган аҳоли табақаларида билинади. Шундай пайтда республикамиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг Президент томонидан ишлаб чиқилган машҳур беш тамойилдан бири бўлган кучли ижтимоий ҳимоя сиёсати уларга жуда катта мадад бўлмоқда. Бошқача айтганда, мамлакатимизда Юрбошимизнинг савий-ҳаракатлари билан ижтимоий муҳофаза тадбирларининг изчиллиги билан амалга оширилаётганлиги жамиятда ижтимоий-сиёсий барқарорлиқни мустақамлаш, ҳимояга муҳтож аҳоли қатламига моддий ёрдам бериш ҳамда ислохотлар муваффақиятини таъминлашда гоят муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу ўринда Вазирлар Маҳкамасининг юқорида қайд этиб ўтилган қарори билан тасдиқланган Дастур хусусида ҳам тўхталиб ўтсак. Ушбу Дастур ўзгояси ва мақсадига кўра Республика Президентининг 1991 йил майдаги «Ўзгалар парваршига муҳтож ёлғиз пенсионерларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш тўғрисида»ги

Фармонининг мантиқий давоми ҳисобланади. Фармонда фарзандлари, жумладан, боқиб олган фарзандлари, ота-онаси, эри (хотини), қаровчиси, ҳомийси бўлмаган, ҳеч қимми йўқ ёлғиз пенсионерлар кўзда тутилган бўлса, ҳукуматнинг 2000-2005 йилларда ёлғиз кексаларни, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қара-

ИНСОНПАРВАРЛИК ДАСТУРИ

Вазирлар Маҳкамасининг «2000-2005 йилларда ёлғиз кексаларни, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган чоратадбирлар дастури тўғрисида»ги қарори бозор шароитида ижтимоий ҳимоя сиёсатининг устуворлигини таъминлашда катта аҳамият касб этмоқда

тилган чора-тадбирлар дастури тўғрисидаги қароридан доимий равишда турли хил кўринишдаги моддий ёрдам олиш имкони бўлмаган, фарзандлари ёҳуд ота-онаси, эри (хотини) узоқ мuddатга озодликдан маҳрум этилган ёки даволанаётган, ёлғиз ўзи алоҳида уйда истиқомат қилаётганлар кўзда тутилган. Агарда кекса пенсионер ва ногирон эр-хотин бирга яшаб, қариндошлари бўлмаса ҳамда пенсионер ногирон бола билан истиқомат қилса, бу тоифадаги фуқаролар ҳам рўйхатга олиндилар. Рўйхатга олиш ишлари жойлардаги ижтимоий таъминот

бўлимлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан амалга оширилади. Дастурда белгиланган барча тадбирлар давлат бюджетини, қорхона ва ташкилотлар, хайрия жамғармалари, нодавлат ташкилотлари, ҳомийлар маблағлари ҳамда республикага четдан келтирилаётган инсонпарварлик ёрдамлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ёлғизларни рўйхатга олиш ва уларга қўшимча ижтимоий ёрдам кўрсатишда қандай ҳужжатларга асосланилади, деган савол кўпчиликни қизиқтиради.

Бунда:

- ёлғиз кекса, пенсионер ва ногироннинг аризаси ёки фуқаролар йиғини раиси (оқсоқол)нинг тасвиси;
- ёлғиз кишининг яшаш шароити ва моддий аҳолини ўрганганлик тўғрисида далолатнома;
- ёлғиз фуқаро уйда ижтимоий хизмат кўрсатишига муҳтож бўлган ҳолатда унинг ўзгалар парваршига муҳтожлиги ҳақида ТМК ёки ТМЭК хулосаси ижтимоий таъминот бўлими томонидан расмийлаштирилади.

Шуни унутмаслик керакки, ушбу тартиб Ўзбекистон

Республикаси Президентининг юқорида кўрсатиб ўтилган Фармони асосида белгилаб берилган имтиёзлардан фойдаланувчи ёлғиз пенсионерларга нисбатан жорий этилмайдиган. Чунки, ушбу Фармонга мувофиқ ўзгалар парваршига муҳтож ёлғиз кишилар 9 хилдаги озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармон билан таъминланиш, коммунал хизмат ва транспорт тўловларидан озод этиш каби имтиёزلардан фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар. Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги Қарорига биноан қўшимча ижтимоий ёр-

дамга муҳтож бўлган ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларга нисбатан бундай имтиёзлар қўрилмайди. Бироқ, дастурда ушбу тоифа пенсионерларни ҳар йили диспансер кўригидан ўтказиш ва унинг натижаларига кўра уларни стационар, амбулатория ҳамда уй шароитларида мақсадли доволаш, сийхаттоҳларда соғломлаштириш, ногиронлик аравачалари, эшитиш мосламалари, протез-ортопедия жиҳозлари, ҳасса, кўлтиқ-таёқлар билан таъминлаш кўзда тутилган. Бундан ташқари, дастурда оталиқ ва жамоат ташкилотлари ҳамда ҳомийлар маблағларини жалб қилган ҳолда, ўзгалар кўмагига муҳтож ва ёлғиз кексаларни оптик кўзойнақлар ҳамда тиш протезлари билан таъминлаш, уй-жойларини таъмирлаш ҳам кўзда тутилган.

(Давоми 2-бетда).

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И.КАРИМОВ
Тошкент шаҳри,
2000 йил 21 сентябр.



ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ ДУШАНБА, 25

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.45 «Тахлиннома»... 8.45 ТВ-маркет... 9.10 «Ўзбектеелефильм» намойиши...

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

9.00 «Давр тонги»... 10.00 Кўрсатувлар дастури... 10.05 «Янги авлод» почтаси...

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

10.00 «Давр тонги»... 10.05 «Янги авлод» почтаси... 10.10 «Муслик лажзалар»...

ТОШКЕНТ ТЕЛЕКАНАЛИ

17.55 Кўрсатувлар тартиби... 18.00, 21.00, 23.10 «Пойтахт»... 18.25 «Спорт-тайм»...

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

14.00-15.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ... 15.45 Кўрсатувлар тартиби... 15.50 XXVII Эгзи Олимпиада ўйинлари...

СЕШАНБА, 26

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»... 8.35 ТВ-маркет... 8.40 Марказий газеталар шарҳи...

18.10 «Миттвойлар оиласи»... 18.35 «Солиқ ва назорат»... 18.50 «Барҳаёт сиймолар»... 19.10 «Мулдор»...

ЎШЛАР ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури... 9.00 «Давр»... 9.15 «Янги авлод» студияси... 9.30 «Автомат»...

ТОШКЕНТ ТЕЛЕКАНАЛИ

7.30 «Пойтахт»... 7.55 «Экспресс» телегазетаси... 8.10 «Омд» тележурнали... 8.15 «Рамаяна»...

ТОШКЕНТ ТЕЛЕКАНАЛИ

7.30 «Пойтахт»... 7.55 «Экспресс» телегазетаси... 8.10 «Омд» тележурнали... 8.15 «Рамаяна»...

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

14.00-15.15 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ... 15.15 Кўрсатувлар тартиби... 15.50 XXVII Эгзи Олимпиада ўйинлари...

ЧОРШАНБА, 27

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»... 8.35 ТВ-маркет... 8.40 Марказий газеталар шарҳи...

ТОШКЕНТ ТЕЛЕКАНАЛИ

9.00 «Тонги пойтахт»... 9.40 «Омд» тележурнали... 10.25 ТТВД сериал: «Санта-Барбара»...

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»... 8.35 ТВ-маркет... 8.40 Марказий газеталар шарҳи...

13.45 «Олтин мерос»... 14.00 «Аёл тун»... 14.30 «Автомат»... 14.40 «Ал-Бишрининг орзу-армонлари»...

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури... 9.00 «Давр»... 9.15 «Янги авлод» студияси... 9.30 «Автомат»...

ТОШКЕНТ ТЕЛЕКАНАЛИ

7.30 «Пойтахт»... 7.55 «Экспресс» телегазетаси... 8.10 «Омд» тележурнали... 8.15 «Рамаяна»...

ТОШКЕНТ ТЕЛЕКАНАЛИ

7.30 «Пойтахт»... 7.55 «Экспресс» телегазетаси... 8.10 «Омд» тележурнали... 8.15 «Рамаяна»...

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

14.00-15.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ... 15.45 Кўрсатувлар тартиби... 15.50 XXVII Эгзи Олимпиада ўйинлари...

ПАЙШАНБА, 28

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»... 8.35 ТВ-маркет... 8.40 Марказий газеталар шарҳи...

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»... 8.35 ТВ-маркет... 8.40 Марказий газеталар шарҳи...

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»... 8.35 ТВ-маркет... 8.40 Марказий газеталар шарҳи...

17.00 «Мультичарпалак»... 17.20 «Бугун оламда»... 17.30 «Спорт-тайм»... 17.55 «Экспресс» телегазетаси...

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Марказий газеталар шарҳи... 8.50 «Ўзбектеелефильм» намойиши... 9.00 «Хидоят сари»...

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

7.30 «Пойтахт»... 7.55 «Экспресс» телегазетаси... 8.10 «Омд» тележурнали... 8.15 «Рамаяна»...

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

7.30 «Пойтахт»... 7.55 «Экспресс» телегазетаси... 8.10 «Омд» тележурнали... 8.15 «Рамаяна»...

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

14.00-15.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ... 15.45 Кўрсатувлар тартиби... 15.50 XXVII Эгзи Олимпиада ўйинлари...

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»... 8.35 ТВ-маркет... 8.40 Марказий газеталар шарҳи...

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»... 8.35 ТВ-маркет... 8.40 Марказий газеталар шарҳи...

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»... 8.35 ТВ-маркет... 8.40 Марказий газеталар шарҳи...

14.05 «Хайри тун, шаҳрим!»... 14.10-15.30 ТУРКИЯ... 15.30 Кўрсатувлар тартиби... 15.35 «Кун мазуси»...

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

8.35 «Камалак»... 9.05 «Ойдин қўшиқлар»... 9.15 «Фаройибот»... 9.30 «Мехр нури»...

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

7.30 «Пойтахт»... 7.55 «Экспресс» телегазетаси... 8.10 «Омд» тележурнали... 8.15 «Рамаяна»...

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

7.30 «Пойтахт»... 7.55 «Экспресс» телегазетаси... 8.10 «Омд» тележурнали... 8.15 «Рамаяна»...

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

14.00-15.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ... 15.45 Кўрсатувлар тартиби... 15.50 XXVII Эгзи Олимпиада ўйинлари...

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»... 8.35 ТВ-маркет... 8.40 Марказий газеталар шарҳи...

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»... 8.35 ТВ-маркет... 8.40 Марказий газеталар шарҳи...

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»... 8.35 ТВ-маркет... 8.40 Марказий газеталар шарҳи...

17.00 «Мультичарпалак»... 17.20 «Бугун оламда»... 17.30 «Спорт-тайм»... 17.55 «Экспресс» телегазетаси...

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Марказий газеталар шарҳи... 8.50 «Ўзбектеелефильм» намойиши... 9.00 «Хидоят сари»...

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

7.30 «Пойтахт»... 7.55 «Экспресс» телегазетаси... 8.10 «Омд» тележурнали... 8.15 «Рамаяна»...

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

7.30 «Пойтахт»... 7.55 «Экспресс» телегазетаси... 8.10 «Омд» тележурнали... 8.15 «Рамаяна»...

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

14.00-15.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ... 15.45 Кўрсатувлар тартиби... 15.50 XXVII Эгзи Олимпиада ўйинлари...

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»... 8.35 ТВ-маркет... 8.40 Марказий газеталар шарҳи...

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»... 8.35 ТВ-маркет... 8.40 Марказий газеталар шарҳи...

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»... 8.35 ТВ-маркет... 8.40 Марказий газеталар шарҳи...

АҚШ ДАВЛАТ ДЕПАРТАМЕНТИДА

15 сентябр кунин АҚШ Давлат департаменти мамлакат қонунлариغا биноан «Ўзбекистон ислом ҳаракати»ни хорижий террорчилик ташкилоти деб таърифлашга қарор қилганини билдирди ва бу ҳусусда махсус баёнот ҳамда маълумотнома тарқатди.

Баёнотда таъкидланганича, Давлат департаменти мамлакат Конгресси ўз қароридан огоҳ этган. «Ўзбекистон ислом ҳаракати»ни хорижий террорчилик ташкилоти, деб эълон қилиш ҳақидаги қарор мазкур билдиришдан кейин етти кун ўтиб, расман қўл қиради.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

Ушбу ҳужжатлар ва мураббийлар қўнига бағишланган уздуксиз теледустур 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»... 8.35 «Камалак»... 9.05 «Ойдин қўшиқлар»...

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

7.30 «Пойтахт»... 7.55 «Экспресс» телегазетаси... 8.10 «Омд» тележурнали... 8.15 «Рамаяна»...

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

7.30 «Пойтахт»... 7.55 «Экспресс» телегазетаси... 8.10 «Омд» тележурнали... 8.15 «Рамаяна»...

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

14.00-15.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ... 15.45 Кўрсатувлар тартиби... 15.50 XXVII Эгзи Олимпиада ўйинлари...

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»... 8.35 ТВ-маркет... 8.40 Марказий газеталар шарҳи...

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»... 8.35 ТВ-маркет... 8.40 Марказий газеталар шарҳи...

«ЭЛ НЕТИБ ТОПГАЙ МЕНИКИМ...»

«ЛАБИНГДАН ХАСТА ЖОНИМ БЎЛДИ БЕТОБ...»

(Бир газал талқини)

Лабингдан хаста жоним бўлди бетоб,
Эмас бетоб, анга эрур шакархоб.
Ёшимдин обрўюм борди, билдим,
Ки равнаксиз қилур олтуни сиймоб.
Қошинг ҳажрида ҳар наълики кийсам,
Келур пайваста, жоно, шакли мөхроб.
Қилич боғи белинг қучқон ҳасадин,
Кўзумга аждаредур шакли қуллоб.
Фироқ илги, фиғон, жон риштасидин,
Чикорур тордин андоқки мизроб.
Фалак бошинга қоплаб ит терисин,
Сен оли жаҳлдин деб кишу санжоб.
Ажаб йўқ, одамилгини унутсанг,
Ўзунгни бўйла ит чармида асроб.
Навоий, ранж кўрма, оғзин истаб,
Ким ул бир жавҳаредур — осуру ноёб.

ими. Айна вазиятда ошиқ уни ёр қошининг ҳажри туфайли кийган. Аммо кийилган ҳар қандай наъл ҳам мөхроб шаклидаги қошларга пайваста келавермайдди. Тасаввур ҳаракатида наъл — қош, қош — муқаддас мөхробдир.

Қилич боғи белинг қучқон ҳасадин,
Кўзумга аждаредур шакли қуллоб.

Қилич боғи белини қучқанлиги рост. Лекин бунини ҳасадага тақаш ишончсиз.

Алишер Навоий девонларида маъно ва образли ифодалари осон тушуниладиган газаллар ҳам кўп. Бундай шеърларни шарҳлашга унча эҳтиёж йўқ, албатта. Айтилик, «Лабингдан хаста жоним бўлди бетоб, Эмас бетоб, анга эрур шакархоб», деган фикрда мураккаблик сезилмайди. Бу ўринда шоир тадбиқ этган поэтик санъатни қайд қилиб ўтиш мумкин. Биринчи сатрда «хаста жонинг бетоблиги лабдан» деб белгиланган. Иккинчи сатрда шу мантқиқ инкор этилади. Ва бетоблик аслида шакархоблик, яъни ширин уйку деяр узғартирилади. Бу фикрий қайтиш санъатининг номи ружуъ дейилган.

Ёшимдин обрўюм борди, билдим,
Ки равнаксиз қилур олтуни сиймоб.

Бундаги илк сатр алоҳида олинганда, уни «Ёшимдин обрўюм борди айрилдим, билдим», мазмунда ҳам англаша бўлади. Лекин асл мурдадо «Йиллашимдан обрўюмизландим»дир. Кейинги сатрдаги гап тамсилли моҳиятга эга. Тамсил — мисол келтириш. Шоир симобнинг олтинга салбий таъсир ўтказишини шуанчи эслатмайдди. Бу орқали аҳвол руҳиясининг нега шундайлигини асослайди.

Қошинг ҳажрида ҳар наълики кийсам,
Келур пайваста, жоно, шакли мөхроб.
Наъл — тақа. Наъл — қавуш. Бу ерда тилга олинган наъл, гўё махсус бир қавуш. Махсуслиги шундаки, у ҳижрон кий-



Алишер Навоийни англаш, ҳис қилиш ўзбек халқининг тарихини, маданиятини, қалб эҳтиросларини англаш ва ҳис қилишдир.

ўта олмаскан. Унинг қорни тўйса бас. У хурсанд. Унинг бошини ҳўжайин силаса, кифоя. У хотиржам.

Инсоннинг инсонлигини бошқарадиган асосий қудрат Хотира бўлса-ю, шундан уни жудо этишса? Қандай бедодлик? Хуллас, манкурт воқеаси юракни ларзага солади. Ва беихтиёр кетма-кет саволлар туғилади. Шу саволлардан бири мана бундай: «Чиндан ҳам тарихда одамларни хотирасизлантириш ҳодисаси бўлганми? Бўлган бўлса қайси даврларда?» Бу саволга аниқ жавоб қайтариш қийин, албатта. Лекин ўтмишда шундай ёвузликлар амалга оширилганлиги ростга ўхшайди. Эҳ ҳолда Алишер Навоий таҳлил қилаётганимиз газалида мана бундай деб ёзмаган бўлурди.


Фалак бошинга қоплаб ит терисин,
Сен оли жаҳлдин деб кишу санжоб.
Ажаб йўқ, одамилгини унутсанг,

Иброҳим ҲАҚҚУЛ,
филология фанлари доктори.

Жума ўғитлари

Хусайн Воиз КОШИФИЙ

ТАОМ ЕЙИШ ОДОБИ ҲАҚИДА



(ёки коса)нинг бир четидадан ейиш, бешинчи — овқатни учта бармоқ билан ейиш, олтинчи — панжаларни ялаб туриш, еттинчи — товоқ (коса)ни тозалаб қўйиш, саккинчи — агар лўма қўлдан тушиб кетса оқиша ва булганган бўлса, тозалаб сўнгра ейиш, тўққизинчи — таом ейиш вақтида сунъанаслик, ўнинчи — таомдан сўнг қўлни ювиш.

Агар тўрт ҳурмат қайсидир, деб сўрасалар, айтгилки, бу: биринчидан, таом ейиш пайтида бошнинг қашмаслики, иккинчидан, бурунни артмаслики, учинчидан, оғзининг сувини оқизмаслики, тўртинчидан, оғизга овқат олиб биров билан гапирмаслики.

Агар тўрт ҳикмат қайсидир, деб сўрасалар, бу: куйидагилардир деб айт: биринчидан, луқмани катта олмаслик, иккинчидан, овқатни яхшилаб чайнаш, учинчидан, кўп нарса емаслик, тўртинчидан, тўқ қоринга яна овқат емаслик.

Агар етти эҳтиёт қайсидир, деб сўрасалар, айтгилки, бу: аввал ҳеч бир таомни ёмон таъриф қилмаслик, агарчи яхши пишмаган бўлса-да. Иккинчидан, овқат қаврдан келтирилгани ва кимники эканини билиб олмагунча емаслик. Учтинчидан, ёлғиз овқатланмаслик. Тўртинчидан, ўтирганларнинг ҳаммасини овқатга қорлаш, чунки барока биргалашишдир. Бешинчидан, мақтанаш, манманлик юзасидан овоза тарқатиш учун берилган овқатни емаслик. Уғриллар, қиссавурлар, харидорлар ҳақида хиёнат қилувчи дўкондорлар, қаззоб даллоллар, порахўрлар дастурхонидан нон емаслик. Чунки бу тоифа одамларнинг таоми ҳаром бўлиб, ўзлари палидларнинг палидидирлар. Олтинчидан, таъзия ошидан парҳез қилиш, чунки унда вояга етмаган етимнинг ёки гойиб бирор меросхўрнинг ҳақи бўлиши мумкин. Еттинчидан, битта таомни ейиш билан қаноатланиш.

ФОРС-ТОҶИК ТИЛИДАН
Н.КОМИЛОВ таржимаси.

Агар тўрт фарз қайси, деб сўрасалар, айтгил: аввал ҳалол луқмани қўлга киритиш, иккинчи риққ берувчи Аллоҳни таниш, учинчи шўкр қилиш, тўртинчи пок таомни ейиш, яъни овқат нажосатли ва булганган бўлмаслиги керак. Агар тўрт суннат қайси, деб сўрасалар, айтгил: аввал «бисмиллоҳир раҳмонир раҳим» дейиш, иккинчи — таомдан олдин қўлни ювиш, учинчи — таомни ўнг қўл билан ейиш, тўртинчи — таомдан фориғ бўлгач, худода ҳамду сано айтиш.

Агар тўрт мустаҳал қайси, деб сўрасалар, айтгил: биринчидан, овқат ейишни аввал туздан бошлаш, иккинчидан, туз билан тугатиш, учинчидан, овқатни дастурхон ёзиб ейиш, тўртинчидан, дастурхон атрофида ўтирган ходимни овқатга тақлиф этиш.

Агар ўн адаб қайсидир, деб сўрасалар, айт: аввал чап оёқ билан ўтириш, иккинчи — ўзининг олдидадан ейиш, учинчи — бошқаларнинг овқат ейишига қарамаслик, тўртинчи — товоқ

АНТИҚА «КЕМА» САРТЗАШЛАРИ

1901 йили америкалик аёл Анни Тейлор бочкага тушиб Америкадаги Ниагара шовасидан ўтмоқчи бўлди. У бочканинг чидамли бўлишини кўзлаб, ички томонидан ҳам пўлатдан ясалган гардиш қоқтирди. Мутахассисларнинг бочка ҳаддан ташқари оғир бўлса, унинг мувозанати бузилмади, чўкиб кетишингиз мумкин, дейишларига қарамасдан аёл ниятидан қайтмади.

Аёл кишининг шоввадан бочка ичидан ўтириб ўтмоқчи бўлганлиги хабари кўпчиликни қизиқтириб қолди. 1901 йил 4 октябрга белгиланган томошага 100 мингдан ҳам зиёд одам келди. Ичига аёл тушиб олган бочкани сув ҳадемай одамлар назаридан гойиб қилди.

Орадан бир оз мuddат ўтгач, бочка сув бетига қалқиб чиқди. Сув уни чирпирак қилиб айлантира бошлади. Аёл эсон-омон чиқадиган бўлди, деб турган одамлар бирдангина бочканинг чўкаётганини сезиб қолдишди.

Қарангки, Анни фойдаси тегиб қолар деб антиқа «кема»сига мувозанатни сақлаб турадиган юк қўйдириб олган экан. Ана шунга бочкани чўкиб кетишидан сақлаб қолди. Аммо бочка сув гирдобидан чиқолмай тураверди. Одамлар узун ходлар ёрдамида бочкани қирғоққа тортиб олишди. Довурак аёл қонга беланган бўлса-да, тириж эди.

Ниҳоятда хатарли томоша кўрсатиб, катта пул ва бойликка эга бўлган Анни жароҳатлари битиб кетгач, Америка ва Европа бўйлаб саҳнатга чиқди. У одамларга бошидан ўтган ҳаяжонли соатларни сўзлаб бериб, пул йиғишда давом этди.

А. АЛИЕВ тайёрлади.

ОЛТИНСОЙДА ЯНГИ СПОРТ МАЖМУИ

Олтинсой тумани «Алпомиш» ширкат ҳўжалиги марказида ҳашар йўли билан истироҳат боғи ташкил этилди. Мазкур боғдан барча шарт-шароитларга эга замонавий спорт мажмуи ўрин олган. Бу ерда ёшлар футбол, волейбол, баскетбол, қўл тўпи, теннис, шунингдек, арқон тортиш, шахмат-шашка ва енгил атлетика билан шугулланишлари мумкин.

— Туман марказидан анча олисдаги ҳўжалиқда истироҳат боғи, спорт мажмуининг бунёд этилишидан кексаю ёшнинг боши осмонга етди, — дейди «Миршоди» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Ҳ.Рўзиёев.

Янги спорт мажмуининг очилиш маросими ҳақиқий байрамга айланиб кетди. Тош кўтариш, арқон тортиш, футбол, волейбол, баскетбол мусобақалари зўр кўтаринкилик билан ўтди. Голиблар ҳўжалик маъмурияти ҳамда ҳомий деҳқон-фермерлар томонидан таъсис этилган қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Дарвоқе, томошабинларда миллий кураш беллашувлари айниқса, катта таассурот қолдирди. Алининг-майдонда белбоғли полвон йигитлар мардларча кураш тушдилар. Мусобақаларнинг мутлоқ голиби Алишер Худойқулов туман ҳўкимининг махсус соврини — бир бош танага эга бўлди.

Рустам ДАВЛАТ,
«Ишонч» муҳбири.

Касаба уюшма спорти

ТОШКЕНТЛИКЛАР ШОҲСУПАДА

Бухоро шаҳрида «Соғлом авлод» дастури асосида Файзулла Ҳўжаев хотирасига бағишлаб ўсмирлар ўртасида эркин кураш бўйича халқаро турнир бўлиб ўтди. Касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти вилоят бошқаруви ташаббуси ва ташкилотчилигида ўтказилган ушбу турнирда асосан 1984-87 йилларда туғилган ёш спортчилар иштирок этдилар.

Эътироф этиш керакки, ўзаро беллашувлар гоят қизиқарли, мурасасиз курашлар остида ўтди. Республикамининг барча вилоятлари ҳамда қўшни Қозғистондан келган полвонлар ичидан барча рақиблирини доғда қолдирган Тошкент вилояти спортчилари умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгалладилар. Самарқандлик ва бухоролик курашчиларга кейинги ўринлар насиб этди.

Якка баҳсларда эса ўз вазн тоифаларида бухоролик С. Холов, М. Облоқулов, пойтахт вилоятилик А. Ҳикматов, Ф. Нусратов, Ҳ. Тўев ва чимкентлик М. Сафаровлар шохсупага кўтарилдилар. Голиб ва совриндорларга вилоят касаба уюшмалари Кенгаши ҳамда ҳомий ташкилотларнинг эсдалик совғалари ва фахрий ёрликлари топширилди.

Лола ҚУДРАТОВА,
Бобур номи мактаб ўқувчиси.



И. ҲАСАНОВ олган сурат.

Футбол

БУНАҚАСИ АВАЛ БЎЛМАГАН



— Термизда «Сурхон» ва «Самарқанд-Динамо» жамоалари ўртасида кечган ўйинда қиритилди. Сўнгги матчларда бир текис ўйин намойиш эта олмаётган майдон эгалари чемпионатнинг номдор командасига қарши ҳужумкор ўйин намойиш этиб, 5:3 ҳисобида голиб келди. Шундай қилиб самарқандликлар сафар учрашувларида кетма-кет мағлубиятга учраб, нафақат чемпионлик, балки медалларга эга бўлиш имкониятидан ҳам маҳрум бўлиш хавфига тушиб қолдилар. Агар турнир жадвалининг иккинчи ва учинчи погоналарини эгаллаб турган «Насаф» ва «Нефтчи» набуватдаги ғалабага эришганликларини инобатга олсак, ўртадаги фарқ анчайин сезиларли тус олганлигини эътироф этишимизга тўғри келади. Чамаси, жароҳати туфайли сўнгги учрашувларда қатнашолмаётган Мухсин Мухаммадиевнинг ўрни жуда билинмоқда. Таъкидлаб ўтганимиздек, «Насаф» яна зафар кўчди. Қаршиликлар бу

«Зарафшон» командасини 4:1 ҳисобида мағлубиятга учратиб, очколари сонини 67 тага етказиб олди. «Нефтчи» футболчилари эса «Қизилқум» дарвозасига бешта жавобсиз тўп киритишга муваффақ бўлдилар. Ушбу ўтқудан сўнг улар ҳам «Дўстлик»ни таъқиб этишда давом этмоқдалар. Айниқса, «Дўстлик» Гулистонда майдон эгалари билан дурангага (2:2) имзо чеккач, ҳақиқатан бу хавф бордек туюлмоқда. Лекин биринчи даврада Тошкент вилояти футболчилари ўз майдонларида айнан шу «Гулистон»га 1:2 ҳисобида ютқазиб, муҳлису мутахассисларнинг таъна-дашонмини эшитишга мажбур бўлганни ёдга олсак, дуранга ҳам унчалик ёмон натижа эмаслигига ишонч ҳосил қиламиз.

Бу турда «сенсация» деб аташ мумкин бўлган икки учрашуви алоҳида ажратиб кўрсатишни истардик. Булар «Андижон» ва «Бухоро» (2:5), «Турон» ва «Пахтакор» (3:1) ўртасида кечган ўйинлар натижасидир. Турнир жадвалида ёмон-ён бораётган «Ан-

дижон» ва «Бухоро» командалари баҳси ҳақиқатан ҳам гоят кескин ҳолатларга бой бўлди ва футболда кўпинча юз берадиган манзара — сен урмасанг, сенга урадилар, деган ибора яна ўзлигини кўрсатган бўлса, «Пахтакор»нинг Нукусдаги мағлубиятида кўпроқ «Турон» жамоасининг йиғинчоқлик билан ҳаракат қилганлигини таъкидлашга тўғри

30-ТУРДАН КЕЙИНГИ ВАЗИЯТ

Жамоалар	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. «Дўстлик»	28	22	4	2	81-31	70
2. «Насаф»	30	20	7	3	68-37	67
3. «Нефтчи»	30	20	6	4	69-27	66
4. «Самарқанд-Д»	29	19	2	8	76-38	59
5. «Навбахор»	30	16	7	7	72-39	55
6. «Бухоро»	30	15	4	11	52-48	49
7. «Андижон»	30	12	9	9	83-44	45
8. «Сурхон»	30	13	6	11	58-54	45
9. «Трактор»	30	13	4	13	45-40	43
10. «Пахтакор»	30	12	7	11	48-44	43
11. «Металлург»	30	11	7	12	37-43	40
12. «Семург»	30	10	7	13	45-55	37
13. «Қизилқум»	30	7	11	12	30-46	32
14. «Кимёгар»	30	7	8	15	30-49	29
15. «Гулистон»	29	8	4	17	34-54	28
16. «Темирўлчи»	30	7	5	18	44-75	26
17. «Сўғдийна»	30	7	5	18	39-70	26
18. «Зарафшон»	30	6	7	17	25-60	25
19. «Турон»	29	6	6	17	29-65	24
20. «Хоразм»	29	5	6	18	26-52	21

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ
Таҳрир хайъати:
Ж.Алимхўжаева, В.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78,
136-58-45; Хатлар бўлими
56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-63

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Мақсимиш: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерли терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босяма табоқ, Умумий вади 14.002 нуска. Сотишда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширишда 21.45